

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД - 3.07

2019 йил "15" 04

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

107 сонини бўйича

2019 йил "25" Август



КЛИНИК ФАРМАКОЛОГИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000–Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510000–Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510700– Олий хамширалик иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил "25" 04 даги "107" – сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил "15" 04 даги "2" – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашида маъқулланган, ОЎМТВнинг 2018 йил "7" 12 даги 1000-сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Якубов А.В. – ТТА "Клиник фармакология" кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Акбарова Д.С. – ТТА "Клиник фармакология" кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Агзамова Н.В. – ТошПМИ "Клиник фармакология" кафедраси мудир, т.ф.н., доцент

Хақимов З.З. – ТТА "Фармакология" кафедраси профессори, т.ф.д.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил "27 03" даги "8" –сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур Клиник фармакология фани бўйича Олий ҳамширалик йўналиши талаблари учун тузилган ушбу ўқув дастури ДТС да қўйилган талаблари асосида тузилган бўлиб, талабаларнинг ўзлаштириши керак бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни белгилайди. Клиник фармакологияни ўрганиш талабага асосий гуруҳ дори воситаларини клиник-фармакологик характеристикасини (фармакодинамикаси, фармакокинетикаси, ножўя таъсири ва ўзаро таъсирларини), ўтказилаётган фармакотерапиянинг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилишни, дори воситаларининг юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирларини аниқлашни ва улар юзага келган ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатиш чораларини, турли патологик ҳолатларда фимтопрепаратларни рационал қўллашни, лотин тилида клиник рецептура билан ишлашни ўргатади ва олган билимоарини амалиётда ишлата билиш имконини беради. Фан ўқув режанинг клиник фанлар блокига таалуқли, 2-курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Клиник фармакология фанини ўқитиш учун клиникагача бўлган фанлар: анатомия, физиология, патология, биологик кимё, микробиология ва иммунология назарий замин бўлиб хизмат қилади. Клиник фармакология фани клиник фанлар: терапияда ҳамширалик иши, педиатрия ва неонатологияда ҳамширалик иши, хирургияда ҳамширалик иши, геронтологияда ҳамширалик иши, эндокринологияда ҳамширалик иши, юқумли касалликларда ҳамширалик иши, асаб касалликларида ҳамширалик иши фанлари учун замин бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Клиник фармакология фани ўқитишдан мақсад - олий ҳамширалик иши факультет талабаларида доривоситаларининг фармакодинамикаси, фармакокинетикаси, ножўя таъсири ва ўзаро таъсирлари ҳақидаги олган билимларини қўллаган ҳолда турли клиник вазиятларда шошилиш чораларини кўрсата олиш, қўлланилаётган доривоситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилиш, доривоситаларнинг ножўя таъсирини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш, қўлланилаётган доривоситаларини ножўя таъсирлари юзага келганда шифокоргача бўлган шошилиш чораларини қўллаш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш даниборат.

Фани вазифаси:

- умумий клиник фармакологиянинг асосларини,
- турли гуруҳ дори воситаларининг клиник-фармакологик хусусиятларини;
- дори воситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолаш усулларини;
- дори воситаларининг ножўя таъсирларини, уларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактика қилиш усулларини, ножўя таъсирлар юзага келган ҳолларда шошилиш чораларини;

– ҳомиладорлик ва эмизикли даврда, болаларда ва кексаларда дори воситаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

Талаба:

1. асосий гуруҳ дори воситаларининг фармакологик характеристикаси;
2. таъсир механизми;
3. дозалаш тартиби;
4. қўлланилишига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар;
5. клиник рецептура ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
6. асосий гуруҳ дори воситаларининг клиник-фармакологик характеристикасини (фармакодинамикаси, фармакокинетикаси, ножўя таъсири ва ўзаро таъсирларини);
7. ўтказилаётган фармакотерапиянинг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилишни;
8. дори воситаларининг юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирларини аниқлашни ва улар юзага келган ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатиш чораларини;
9. турли патологик ҳолатларда фитопрепаратларни рационал қўллашни;
10. лотин тилида клиник рецептура билан ишлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
11. дори воситалари дозасини ҳисоблаш;
12. дори воситаларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларни керакли концентрацияда эритиш;
13. доривор ўсимликларнинг турли йиғмаларидан фитопрепаратлар тайёрлаш;
14. ҳамшира касаллик тарихи юритиш учун дори билан даволаш анамнези ва аллергологик анамнез йиғиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
15. фармакотерапия самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолаш усулларини қўллаш, олинган натижаларни таҳлил қилиш;
16. дори анафилактик шокида шошилиш ёрдам кўрсатиш **амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. Клиник фармакология фанининг мақсади ва вазифалари.

Фармакодинамика тушунчаси. Фармакокинетика тушунчаси, асосий фармакокинетик параметрлар ва уларнинг клиник аҳамияти.

2-мавзу. Дори воситаларининг ўзаро таъсири.

Дори воситаларининг ўзаро таъсири =аида тушунча бериш.

3-мавзу. Дори воситаларининг ножўя таъсирлари.

Дори анафилактик шоки, профилактика чоралари.

4-мавзу. Клиник фармакологиянинг ёшга боғлиқ жиҳатлари.

Болаларда ва чақалоқларда дори воситалари клиник фармакологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Кекса беморларда дори воситаларини қўллаш ва уларни парвариш қилишни ташкил қилиш.

5-мавзу. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларда дори воситалари клиник фармакологиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳомиладорлик ва эмизикли даврда қўлланилиши мумкин бўлган дори воситалар.

6-мавзу. Алтернатив дори воситалар.

Доривор ўсимликлар ва нутрицевтиклар (биологик актив қўшимчалар). Ички касалликлар клиникасида фитотерапия асослари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий ва 50% амалий қисмдан иборат бўлган ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Кардиотоник ва антиаритмик дори воситаларининг клиник фармакологияси
2. Диуретик дори воситаларининг клиник фармакологияси
3. Қон томирлар тонусига таъсир этувчи дори воситаларининг клиник фармакологияси.
4. Қон ивиш жараёнларига таъсир этувчи дори воситаларининг клиник-фармакологик характеристикаси.
5. Гиполипидемик дори воситалари клиник фармакологияси.
6. Антибактериал дори воситаларининг клиник фармакологияси.
7. Бронхлар ўтказувчанлигига таъсир этувчи дори воситаларининг клиник фармакологияси.
8. Яллиғланишга қарши воситаларнинг клиник-фармакологик характеристикаси.
9. Иммунокорректорларнинг клиник фармакологияси.
10. Ҳазм аъзолари фаолияти бузилишларида қўлланиладиган дори воситаларининг клиник фармакологик характеристикаси
11. Психотроп дори воситаларининг клиник фармакологияси

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- Ички касалликларининг барча клиник турларида беморлар курацияси асосида дори билан даволаш ҳамширалик назорат варақасини ёзиш ва ҳимоя қилиш.

“Клиник фармакология” фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Дори воситалари дозасини ҳисоблаш;
 2. Дори воситаларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларни керакли концентрацияда эритиш;
 3. Доривор ўсимликларнинг турли йиғмаларидан фитопрепаратлар тайёрлаш;
 4. Ҳамшира касаллик тарихи юритиш учун дори билан даволаш анамнези ва аллергологик анамнез йиғиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
 5. Фармакотерапия самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолаш усулларини қўллаш, олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- дори анафилактик шокида шошилиш ёрдам кўрсатиш;
6. Дори анафилактик шокида шошилиш ёрдам кўрсатиш.

Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Клиник фармакология фанини ўрганиш жараёнида талабалар дори билан даволаш ҳамширалик назорат варақасини тўлдириш мақсадида беморни курация қилиш ва уни динамикада назорат қилиб боришни қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширадилар:

- беморлар дори анамнези, шу жумладан аллергологик анамнезини йиғиш;
- ўтказилаётган фармакотерапиянинг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилиш;
- қўлланилаётган дори воситаларининг клиник рецептураси;
- қўлланилаётган дори воситаларининг ўзаро таъсирлари;
- қўлланилаётган дори воситаларининг ножўя таъсирларини билиш ва уларни олдини олиш;
- фармакотерапия самарадорлиги ва ҳавфсизлигини бемор умумий кўруви, физикал усуллар асосида назорат қила олиш;
- фармакотерапия ўтказиш жараёнида ушбу беморда қўлланилаётган дори воситалари таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган ножўя таъсирларни олдини олиш бўйича барча текширув усуллари ўтказилганлигини баҳолаш;

Ушбу таҳлил асосида курация қилган беморнинг ҳамшира назорат варақасини ёзадилар ва химоя қиладилар, ўқитувчи дарсдан ташқари вақтда ушбу таҳлилни текширади ва ишлаб чиқилган мезонлар асосида баҳолайди.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамга кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Аввал барча босқичларини алоҳида, кейин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамга кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қиладди ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм дарсигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли ҳил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалар ва

тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда нафақат эксперт сифатида чиқишда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – хулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли ҳил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талабанинг бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, дори билан даволаш таҳлилини ёзиб химоя қилиш жараёнида баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Антигистамин дори воситалари клиник фармакологияси.
2. Йўталга қарши ва балғам кўчирувчи дори воситалари клиник фармакологияси. Балғам кўчирувчи фитопрепаратлар.
3. Замбуруғларга қарши воситалар клиник фармакологияси. Замбуруғларга қарши таъсирга эга фитопрепаратлар.
4. Вирусларга қарши дори воситаларининг клиник фармакологияси. Вирусларга қарши таъсирга эга фитопрепаратлар
5. Силга қарши дори воситаларининг клиник фармакологияси
6. Паразитларга қарши дори воситалари клиник фармакологияси. Гижжаларга қарши фитопрепаратлар.
7. Сурги дори воситаларининг клиник фармакологияси. Фитопрепаратлар.
8. Тутқаноққа қарши дори воситалари клиник фармакологияси.
9. Орал контрацептивлар клиник фармакологияси.
10. Наркоз учун воситалар ва маҳаллий анестетиклар клиник фармакологияси
11. Темир препаратлари ва анемияни даволашда қўлланиладиган дори воситалари клиник фармакологияси
12. Қалқонсимон без фаолиятига таъсир этувчи дори воситаларининг клиник фармакологияси.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари беморларда қўлланилаётган дори воситалари таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган ножўя таъсирларни олдини олиш бўйича курация натижаларини баҳолаш;
- Ўтказилаётган фармакотерапия самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолаш кўникмаларини педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш
- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган руйхат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш, ҳамшира назорати варақасини тўлдириш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- Беморлар курациясида доловчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- Ахоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- Илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
 - График органайзерлар ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
 - Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
 - Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.
- Фанни фаол ўзлаштиришда талабаларни олимпиада, танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш.

Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Якубов А.В. Клиник фармакология. Дарслик. – Тошкент. “Ғ.Ғулом”. 2019 й.
2. Кац П.С., Мавлянов И.Р., Махкамова Р.К. Клиническая фармакология. Учебник. – Ташкент. “Ғ.Ғулом”. 2012 г.
3. Мавлянов И.Р., Кац П.С., Махкамова Р.К. Клиник фармакология. Дарслик. – Тошкент. “Ғ.Ғулом”. 2012 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Кукес В.Г. Клиническая фармакология. Учебник.. – Москва. ГЕОТАР-Медиа. 2015 г.
2. Mamadov Yu.M. Klinik farmakologiya. Toshkent. TURON-IQBOL. 2010 у.
3. Бертрам Г., Катцунг П. Базисная и клиническая фармакология в 2-х томах. Учебник. – С. – Петербург. “Бином и Невский диалект” . 2008 г.
4. James M.Ritter. Clinical pharmacology and Therapeutics. Great Britain. Hodder Arnold. 2008 у.
5. Кукес В.Г., Стародубцев А.К. Клиническая фармакология и фармакотерапия. Учебник. – Москва. ГЕОТАР-Медиа. 2006 г.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.ziyonet.uz/>
2. <http://www.clinicpharm.ru/>
3. <http://clinpharmbook.ru/>
4. <https://www.clinicalpharmacology.com/>